подбирая упражнения и репертуар. Только время даст возможность по мере развития нужной мускулатуры выявить, без ущерба для тембра, ровности и диапазона, все потенциальные возможности голоса, в частности и ту естественную силу, на которую он способен.

Упражнения для начинающих должны быть весьма несложны, так как все внимание ученика должно быть сосредоточено на технике голосообразования. Во всех случаях при пении упражнений следует требовать точности атаки и чистоты интонации. К этому следует приучать ученика сразу.

Вне зависимости от метода, которым пользуется педагог, и типа упражнений, которые он употребляет, эти упражнения должны даваться как музыкальные попевки, как отрезки мелодии, как музыкальные мысли, пусть весьма примитивные. Музыкальности выполнения этих упражнений следует требовать с первого же урока в классе. Желательно возможна скорее отойти от подыгривания упражнений, давая их с хороша продуманным аккомпанементом. Это развивает музыкальность, обостряет слух ученика и создает элементарные навыки пения с аккомпанементом. Недопустимо формальное выстукивание мелодии упражнения. Это ведет к отрыву вокального задания от всякого музыкального содержания, что является совершенно порочным.

В приложении мы приводим ряд упражнений, которые могут быть рекомендованы для начинающих.

**Литература**


1. Чаплина В.Л. «Вопросы вокальной педагогики». –Москва: 1969.
2. Левидов И.И.  Певческий голос в здоровом и больном состоянии.
3. Егоров. А.М.  Гигиена голоса. -Москва: 1962.
4. Ризаева М. Становление молодого певца. –Ташкент: 1986.
5. Шаляпин Ф.И. Маска и душа. –Москва: «Искусство», 1976.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада "Вокал" фанининг мақсад ва вазифалари, қўшикчининг вокал ижрочилиги сирларини ўзлаштириши, вокал дарсларини тўғри ташкил этиш ҳамда вокал ўкитувчисининг касбий хусусиятлари ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говориться о цели и задачи предмета вокал у будущих начинающих певцов, правильная организация занятий по вокалу и освоении мастерства исполнения, а также о профессиональном качестве педагога вокалиста.

**SUMMARY**

In this article is spoken about aim and tasks on the subject of vocal by the future singers, the organization of lessons and their mastering feasible and so about professional quality of vocal teacher.


## "БИСМИЛЛАҲ" ТАФСИРИ


**Ж.Э.Ишаев** - *магистрант*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** Бисмиллаҳ, басмала, талаффуз, исм, Қуръон, ҳадис, сўз, гап, олим, уламо, аллома, илоҳ, олий, зикр, ҳарф.

**Ключевые слова:** Бисмиллах, басмала, произношение, наименование, Коран, хадис, слово, речь, учёный, учёный-исламист, учёный-энциклопедист, бог, высший, память, буква.

**Key words:** Bismillakh, basmala, pronunciation, name, Kur'an, hadith, word, speech, scholar, ulama, scholar in Islamic religion, scientist-encyclopedist, ilokh God, supreme.


Меҳрибон ва шафқатли [1:60] Аллоҳ исми билан (ёрдам олиб, ёзишни бошлайман). Мақоламизни ҳаётимиз тарзига, одатимизга айланган Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари ила бошладик. Чунки Аллоҳ таоло Ўз каломини муборак исмлари билан бошлаган ва суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳар бир сўз ва ишларини "Бисмиллаҳ" билан бошлаганлар. Биз ҳам у зотга эргашиб, кундалик ишларимизнинг деярли барчасини "Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм" деб, ёки қисқача шаклда "Бисмиллаҳ" билан бошлаймиз. "Бисмиллаҳ" ибораси ҳам бизнинг луғатимизга араб тилидан кириб келган жумлалардан бири ҳисобланади. Халқимиз орасида ушбу ибора ҳар хил талаффуз қилинади. Баъзилар "Бисмиллаҳ" деса, яна бошқалар охиридаги "ҳ" ундош ҳарфини тушириб, "Бисмилла" ёки "а" унли ўрнига "о" унлини ишлатиб, "Бисмилло" ҳам дейишади. Бу ибора араб тилидаги ба, мим, алиф, я, сийн, лом, ҳа, ро, ҳа ванун ҳарфларининг бирикмаси асосида тузилган. Ушбу ҳарфларнинг махражлари (талаффуз қилганда оғиздан чиқадиган жойлари) қуйидагича:*(ب "ба", م "мим" ҳарфлари икки лабдан талаффуз қилинади), (ва шериги ي"йа"нинг махражи "жавф" (оғиз бўшлиғи)дир. У мад ҳарфи бўлиб, нафас билан тугал бўлади), (сафийр (ҳуштаксимонس "син" ҳарфи тилнинг олд қисми ҳамда пастки олд тишларнинг устки тарафидан чиқади; (ل "лом" эса тилнинг икки чети бошланган жойи олд қисмлари билан), (هـ "ҳа" ҳарфи ҳалқумнинг ўртасидан талаффуз қилинади), (ر"ро" эса ن "нун" ҳарфи махражининг бир оз юқорироғида бўлиб, тил учининг юзароғидан чиқади, (ح"ҳа"ҳарфи ҳалқумнинг энг юқориси яъни, оғиз бўшлиғига яқин томонидан), (ن "нун" тилнинг учиل"лом" ҳарфи махражининг бир оз пастроғидан чиқади)* [2:65-82].

Баъзилар бу иборани ҳаётларида кўп ишлатсада, унинг кенг мазмундаги маъноларини, фазилатларини яхши билмаслиги мумкин. Келинг, "Бисмиллаҳир роҳманир роҳим" иборасидаги ҳар бир сўзнинг келиб чиқиши билан танишамиз. "**Бисм**иллаҳ"даги **"исм"** сўзининг келиб чиқиши борасида луғат уламолари орасида икки хил қараш бор:

1) Басра олимларининг мазҳабига кўра "**исм**" сўзи арабча "**сумув**" (سُمُوٌّ -олийлик, баландлик) маъносидаги масдардан иштиқоқ қилинган.

2) Куфа олимларининг мазҳабига кўра "**исм**" сўзи арабча "**сима**" (سِمَةٌ – белги, аломат) маъносидаги калимадан иштиқоқ қилинган.

Имом Қуртубий раҳматуллоҳи алайҳи айтади: "Аввалги қараш тўғрироқ. Чунки исм сўзининг кўплик шакли "**асмо**" (أَسْمَاءٌ), кичрайтирилган от шакли эса "**сумай**" (سُمَيٌّ) бўлади. Агар Куфа олимлари айтгандек бўлса, араб тилидаги исмдан кўплик ва кичрайтириш отини ясаш қоидасига мувофиқ, "**исм**" сўзининг кўплиги "**авсом**" (أَوْسَامٌ),кичрайтирилган от шакли эса "**вусайм**" (وُسَيْمٌ) бўлиши керак эди. Аллоҳ таоло Аъроф сураси 180-оятида:

(وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى)"**Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир**", деган. Мазкур оятда ҳам исмнинг кўплик шакли "**асмо**" (أَسْمَاءٌ) зикр этилган [3:18].

Қаерда "Бисмиллаҳ" айтилса, ундаги "би" ҳарфи ўша мақомга муносиб тарзда тушириб қолдирилган бир феълга боғланади. Масалан, китоб ўқигувчи киши "Бисмиллаҳ" деса, унинг маъноси: "Аллоҳнинг исми билан ёрдам сўраб ўқийман" бўлади. Котиб қўлига қалам олаётиб "Бисмиллаҳ" деса, унинг маъноси: "Аллоҳнинг исми билан ёрдам сўраб ёзаман" бўлади. Киши таом тановул қилаётган пайтда "Бисмиллаҳ" деса, унинг маъноси: "Аллоҳнинг исми билан ёрдам

сўраб еяман” бўлади. Худди шунингдек, барча иш-ҳаракатлар олдидан “Бисмиллаҳ” дейилса, уларга ҳам ўша мақом ва ҳолатларга хос ва мос феъллар тақдир қилинаверади.

Араблар “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” иборасини айтишга “басмала” масдарини ишлатади. Яъни “басмала” дегани, “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” иборасини айтиш демакдир. Унинг маъноси қуйидагича: “Ҳар бир нарсадан олдин барча ишларимда Аллоҳ таолодан ёрдам талаб қилган ҳолда Ўзидан сўраб, Аллоҳнинг исми ва зикри ила бошлайман”.

Ҳадиси шарифда: “ **كل أمر ذي بال لا يبدأ فيه ببسم الله الرحمن الرحيم فهو أبتر**” **“Эътиборли ҳар бир иш “Бисмиллаҳ” билан бошланмас экан, унинг орқаси кесикдир”**[4], дейилган. Яъни, баракаси бўлмайди, охирига етмайди.

Аллома Қуртубий айтади: “Бисмиллаҳ” ибораси кўп ишлатилгани учун “ба” ҳарфини “син” ҳарфига ёпиштирилиш сабабли “алиф”дан беҳожат бўлиб, ( بِسْمِ الله) шаклида“алиф”сиз ёзилади”. Аълақсурасининг 1-оятида эса кам ишлатилгани учун (**اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ**) деб, “алиф” билан ёзилади.

“Бисмиллаҳ”даги “Аллоҳ” лафзи вожибул вужуд бўлган муқаддас Зотнинг исми. Бу исмда У Зотга ҳеч ким шерик бўлмайди. Бу исм У Зотнинг Ўзигагина хос.

Ибн Касир роҳматуллоҳи алайҳи: “Аллоҳ” лафзи Раббимиз табарока ва таолога қўйилган атоқли-аълам исм. “Аллоҳ” лафзи буюк исмдир, чунки У барча сифатлар билан сифатланувчи Зотдир. Бу исм билан У Зотдан бошқа ҳеч ким номланмаган.

Аллома Қуртубий роҳматуллоҳи алайҳи айтади: “Аллоҳ таолонинг барча исмлари ичида энг буюги ва қолган барча исмларини жамловчироғи “Аллоҳ” лафзидир. Бу лафз илоҳлик сифатларини ўзида мужассам этган, рубубият сифатлари билан сифатланган, Ундан ўзга илоҳ бўлмаган мавжуд Ҳақ Зотнинг исмидир”.

Аллома Абу Ҳайён айтади: “Жалол исми бўлмиш “Аллоҳ” лафзи ҳақ ила ибодат қилинадиган Зотга ишлатиладиган, олдин бошқа нарсага ишлатилмаган атоқли-аълам исм. Бу – аксар уламоларнинг сўзидир. Бир ривоятда “Аллоҳ” лафзи муштоқ (бошқа бир сўздан олинган)дир, дейилган.

Ибн Жавзий роҳматуллоҳи алайҳи айтади: “Уламолар Аллоҳ таолонинг исмлари ичидаги “Аллоҳ” лафзи борасида ҳар хил фикр билдиришган. Бир қавм: “Аллоҳ” лафзи муштоқдир”, деган. Бошқалари эса: “Аллоҳ” лафзи муштоқ эмас, атоқли-аълам исмдир”, деган.

Аллома Халил роҳматуллоҳи алайҳидан икки хил ривоят келган: 1- “Аллоҳ” лафзи муштоқ исм эмас. 2- “Аллоҳ” лафзи муштоқ исмдир. У “ал-илаҳа” (الإلاهة) дан иштиқоқ қилинган бўлиб, “ибодат” деган маънони билдиради. “Ат-таъаллуҳ” (التأله)сўзи “ат-таъаббуд” (التعبد) ибодат қилиш, қулликни бажо келтириш, деган маъноларни англатади.

Яна бир ривоятда: “Аллоҳ” лафзи “кучли муҳаббатдан ўзини йўқотиш” маъносидаги “валаҳа” (الوله) дан иштиқоқ қилинган. Чунки бандаларнинг қалблари Аллоҳ таоло томонга талпинади, У Зотга боғланади.

Мазкур қарашлар ичида энг тўғриси шуки, “Аллоҳ” лафзи муштоқ исм эмас. У – муқаддас таборака ва таоло Зотга қўйилган атоқли-аълам исмдир. Бу исмда У зотга бошқа ҳеч ким шерик бўлмайди. Бу исм билан У Зотдан бошқа ҳеч ким номланмаган. Шунинг учун ҳам “Аллоҳ” лафзининг иккилик ва кўплик шакллари мавжуд эмас.

**Ар-роҳманир ар-роҳийм.** Бу икки исм ҳам Аллоҳ таолонинг исмларидандир. Бу икки исм “раҳмат” (الرحمة)дан иштиқоқ қилинган. Бир ривоятда: “Иштиқоқ қилинмаган, чунки бу икки исм ҳам Аллоҳ таолога хос исмлардандир”, дейилган. Бу сифат раҳматнинг барча маъноларини, барча раҳм қилиш ҳолатлар ва маконларни ҳам ўз ичига олади.

Бизнинг “Бисмиллаҳ” деган сўзимизда жуда катта фоидалар бор. Шулар қаторида айтишимиз мумкин, Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилиш билан оқ фотиҳа сўраш, Аллоҳ азза ва жаллани улуғлаш, шайтонни қувиш, чунки шайтон Аллоҳ таолонинг исми зикр қилиниши билан қочади.

“Бисмиллаҳ”ни айтишда ўз ишларини бут-санамларнинг исмини айтиб, ёки ўзлари ибодат қиладиган бошқа махлуқларнинг исмини зикр қиладиган мушрикларга мухолифлик бор.

“Бисмиллаҳ”ни айтишда қўрқан киши учун омонлик бор. Уни айтувчи киши бошқалардан узилиб, Аллоҳ таолога боғланишига далолат бор.

“Бисмиллаҳ”ни айтишда Аллоҳ таолонинг илоҳлигини иқрор қилиш, неъматларни эътироф қилиш, Аллоҳ таолонинг исми билан ёрдам олиш бор.

“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” ичида Аллоҳ таолога хос исмлардан иккиси бор. У икки исм “Аллоҳ”ва “Роҳман”дир.

Ибнул Қайюм роҳматуллоҳи алайҳи айтади: “Роҳман ва Роҳийм орасини жамлашда гўзал маъно бор. Яъни, Роҳман – Аллоҳ таолонинг Зотидаги қоим сифатга далолат қилади. Раҳийм – эса, ўша сифатнинг раҳм қилинган нарсага боғланишига далолат қилади. Гўё, аввалгиси сифат, иккинчиси феълдек. Демак, аввалгиси, яъни Роҳман бу – раҳмат Аллоҳ таолонинг зотидаги сифат эканига далолат қилади. Иккинчиси, яъни Роҳийм бу – Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила махлуқотларига раҳм қилишига далолат қилади. Мазкур маълумотлардан маълум бўладики, Роҳман – раҳмат билан сифатланган Зотдир. Раҳийм – ўз раҳмати ила раҳм қилувчи Зотдир. Янада умумлаштириб айтиш мумкин, Роҳман – буюк неъматларни берувчи Зот. Роҳийм – дақиқ-нозик неъматларни берувчи Зот”.

Бир ривоятда: “Роҳман ва Раҳийм иккаласи ҳам бир хил маънода”, дейилган.

Энг тўғриси Ибнул Қайюм роҳматуллоҳи алайҳининг мазҳабидир. Яъни Роҳман сифати Аллоҳ таолода собит раҳматга далолат қилади. Раҳийм сифати эса ўша сифатга боғлиқ бўлган иш-ҳаракатларнинг янгиланишига далолат қилади.

Ибн Жарир ат-Тобарий роҳматуллоҳи алайҳи айтади: “Зикри олий, исмлари муқаддас бўлган Зот – Аллоҳ таоло Ўзининг гўзал исмларини пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга барча ишлари олдидан зикр этишни ўргатди ва буни барча бандалари эргашадиган йўл қилди. Уларнинг барча ишларининг, сўзларининг, китоб ва рисолаларининг очилиши “Бисмиллаҳ” биландир. Ҳатто уларнинг ошкора тарзда “Бисмиллаҳ” дейишидан, қалбининг тўрида яширин турган муродини англайди киши. Яъни, бир сурани тиловат қилишдан аввал “Бисмиллаҳ” деса, унинг мурод-мақсади “Аллоҳнинг номи билан ўқийман” дегани бўлади. Ўрнидан тураётган ёки ўтираётган киши “Бисмиллаҳ” деса, унинг мурод-мақсади “Аллоҳнинг номи билан тураман ёхуд ўтираман” дегани бўлади”[5:17-20]. Валлоҳу аълам!

**Адабиётлар**

1. Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътиқод дурдоналари. –Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2016.

2. Жаҳонгир қори Неъматов. Тартил асослари. -Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018.

3. Муҳаммад Али ас-Собуний. Ровоиъул-баён. – Байрут: “Ал-мактаба ал-аъсрийя”. 2017.

4. Ушбу ҳадисни Имом Абу Довуд "Адаб" номли китобларига 4840 рақами билан, Ибн Можжа "Никоҳ" номли китобларига 1894 рақами билан, Имом Аҳмад "Муснад" номли китобларининг иккинчи жузига 359 рақами билан киритганлар.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақола Қуръон илмига оид. Унда "Басмала"нинг тафсири ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга унинг фазилати ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Маълумотлар ишончли манбалардан олинган. Турли ривоятлар қиёсланган.

**РЕЗЮМЕ**

Эта статья посвящена науке о Коране. В нём рассматривается интерпретация «басмалы». В том числе даётся информация о качествах «басмалы». Данные получены из надёжных источников. Сравниваются разные повествования.

**SUMMARY**

This article is about the science of Kur'an. It deals with the interpretation of Basmala. However, information about its quality is given. Data are obtained from reliable sources. Different narrations are compared.

## ТЕАТР – МӘНАЎИЙ ДҮНЬЯМЫЗДЫ ТӘРБИЯЛАЎ ҚУРАЛЫ СЫПАТЫНДА

**Қ.Б.Юсупов** – *еркин изленийши*

*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Таянч сўзлар:** труппа, қорақалпоқ маданияти тарихи, театр, янги даврга мос фалсафий қарашлар.
**Ключевые слова:** труппа, история каракалпакской культуры, театр, философские мысли нового периода.
**Key words:** troupe, history of Karakalpak art, theater, philosophical thoughts of a new period.

*Бизлердиң ҳәўес етсе арзыйтуғын уллы тарийхымыз бар. Ҳәўес етсе арзыйтуғын уллы ата-бабаларымыз бар. Ҳәўес етсе арзыйтуғын теңи жоқ байлықларымыз бар. Несип қылса, ҳәўес етсе арзыйтуғын уллы келешегимиз, уллы әдебиятымыз ҳәм көркем өнеримиз де, әлбетте, болады, деп исенемен.*

***Ш.М.Мирзиёев, Өзбекстан Республикасы Президенти***

Инсаният өзиниң тарийхый-диалектикалық раўажланыўы басқышларында эпиўайы санадан қурамалы ойлаў дәрежесине өтти. Мине, усы көп мыңлаған жылларды қамтыған қурамалы раўажланыўдың жуўмағында, адамзат өзин қоршаған орталықтан, ҳәдийсе ҳәм қубылыслардан эстетикалық заўықланыў, тәсир алыў пазыйлетине ийе болды. Анығырақ қылып айтқанда, дүнья жүзлик мәдeният тарийхында өмир қублысларының нәзик ҳәм рәңбәрең сырлары менен таныстыратуғын әжайып көркем өнер пайда болды. Көркем өнер өмир қубылысларын көркем сәўлелендириўде бир қанша тараўларды қәлиплестирди: *Архитектура* (саўлат) өнери, *Скульптура* (мүсиншилик) өнери, *Живопись* (сүўретлеў) өнери, *Музыка* (саз) өнери ҳәм т.б. Мине усылар менен бир қатарда оғада қурамалы ҳәм тилсимли «Көркем өнердиң ең жоқары түри – әдебият» [1:5-66] - «*сөз өнери*» [2:9] де пайда болды ҳәм әсирлер даўамында адамзаттың саналы өмир кешириў дәўиринен баслап тап бүгинге шекем өзиниң өсиў аңғарын кеңейтип, толықтырып киятыр.

Әзелден жақсылыққа ҳәм эстетикалық гөззаллыққа жаны қумар қарақалпақ халқының қәлбинен орын алған көркем өнер өтмиш тарийхымызда ҳәм бүгинги күнде де айрықша орынға ийе тәрбия мектебиниң бири болғанлығы анық. Халқымыз өтмиште илим ҳәм билим сырларын ийелеўи менен бирге көркем өнердиң ҳәр қыйлы тараўлары менен шуғылланып келди.

«Егер, еки адам сәўбетлесип, үшинши адам оны тыңласа, мине усының өзи-театр», – деген еди польшалы актёр Густав Холоубек. Дүньядағы барлық халықлар ҳәм миллетлер сыяқлы қарақалпақ халқының да әсирлер даўамында қәлиплескен ҳәм әўладтан-әўладқа өтип киятырған дәстүрлери ҳәм үрп-әдетлери оғада бай руўхый мийрас сыпатында мәнаўий тарийхымызда өшпес из қалдырған және халық аўыз-еки дөретпелериниң дүрданаларында, ҳәр түрли мәресимлерде, қыз-жигитлердиң бәзимлеринде, балалар ойынларында сақланып қалған.

Той ҳәм басқа да мәресимлерде дәстанларды атқарған жыраў-бақсыларда актёрлық шеберликтиң, «қудалық», «ел қәде», «қыз узатыў», «беташар», «бесик тойы», «тусаў кесиў» мәресимлеринде, «Аға бий» және басқа да дәстүрий халық ойынларында ҳақыйқый театрласқан тамашалардың көриниси, анығырағы эпизодлары жарқын сәўлелендирилген. Халық дәстанларындағы синкритлик сыпаттың орын алыўы, халық қәлбинде сахналық көринислердиң раўажланыўына түртки болды, десек қәтелеспеймиз. Мине, усы орында халқымыздың жақын өтмишинде, анығырағы, XX әсирдиң биринши ярымында өзиниң дәслепки адымларын атқан театр өнери, «Таң нуры» труппасының шөлкемлестирилиўи бизиң бул пикиримизди тастыйықлайды.

1920-жылларда бурынғы аўқамның барлық орынларында болғанындай, Қарақалпақстанда да театр өнерин қәлиплестириўге айрықша дыққат қаратылып, ҳәр түрли мәдений-ағартыўшылық шөлкемлер, театр-концерт топарларын шөлкемлестириў жумыслары басланды.

Қарақалпақстан автоном областы Атқарыў комитетиниң 1926-жыл 11- апрельдеги *«Қарақалпақ миллий драма труппасын шөлкемлестириў ҳаққында»*ғы арнаўлы қарары менен «Таң нуры» Қарақалпақ миллий театр труппасы шөлкемлестирилип, оның көркемлик жақтан басшысы лаўазымына Төрткүл қаласындағы педагогикалық техникумның оқытыўшысы З.Ф.Қасымов белгиленеди.

Труппа ағзалары 13 адамнан ибарат болып, олар – Ж.Аймурзаев, А.Матьякубов, Г.Убайдуллаев, М.Матжанов, Ж.Сейтова, Қ.Бекмуратова, М.Темирханова, П.Саекеева, Т.Исметуллаева, Қ.Алланиязов, Б.Сейтов, Ж.Пирназаров, О.Төремуратовлардан ибарат болған. Бул инсанлар «Таң нуры» труппасының, бүгинги қарақалпақ театрының туңғыш қарлығашлары сыпатында тарийх бетлеринде мәңги калды.

1926-жылы 8-ноябрьде Қасым Әўезовтың «Тилек жолында» атамасындағы 4 картиналы тарийхый драмасы менен «Таң нуры» труппасының биринши пердеси салтанатлы ашылды. Қарақалпақ миллий театры тарийхының жылнамасы, мине, усы күннен басланды.

1927 – жылы З.Қасымовтың өзиниң тийкарғы жумысына қайтыўы себепли труппаға Әбдираман Өтепов басшылық етип баслады.

Бул жылларда труппа ағзаларының саны әдеўир көбейди, труппа репертуары М.Орайди, К.Тикчурин, С.Абдулла, Ҳамза, сондай-ақ, жергиликли авторлардан С.Мажитов, Ә.Өтепов, Қ.Әўезов, А.Бегимов, А.Матякубов, М.Дәрибаев, Т.Сейтмамутовлардың жаңа дөретпелери менен толықтырылды.

1930-жылларда «Таң нуры» труппасы республикамыздың барлық аўылларында, қалаларында